

ТУМАН МАТБУОТИ

БЕШ МИНГТА
МУШТАРИЙГА ЗИЁ

Республика Президентининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги муносабати билан журналистларга йўллаган табригида шундай сатрлар борки, улар ҳамкасбларимизнинг кейинги фаолияти учун дастуриалама бўлиши шубҳасиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек, бу заҳматли касбга ўзини бағишлаган ҳар бир ижодкорда, аввало фуқаролик масъулияти бўлиши, у жамиятдаги ўқир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, эл-юрт дарди ва истиқболи, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун кўйиб-ёниб яшати керак бўлади.

Ўзи ёритаётган муаммога жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини торта олган, доимо эл-юрт ташвишига яқин бўлган журналистнингга ўз касбига муносиб дейиш мумкин. Шу маънода туман газеталарини халққа энг яқин бўлган, унинг ҳар бир нафасидан хабардор нашрлар деб айтсак, хато қилмаймиз.

Тошкент туман ҳокимлигининг «Истиклол нури» газетаси қўлма-қўл бўлиб, ўқиб келинаётган нашрлардан. Газетада журналистиканинг барча жанрларидан кенг ва унмўли фойдаланилади, туман ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётининг муҳим аниқлиги ва маълумотлари ўқувчиларга тезкорлик билан етказиб боришда. Айрим туман газеталари зўрға 1000-2000 нусхада чоп этилаётган бўлса, «Истиклол нури»нинг 5000 дан зиёд обуначиси бор.

Аввало шунга таъкидлаш керакики, газета материалларининг жуғрофияси кенг. Ҳар бир сонда камида 8-10 та кишлоқ фуқаролар йиғинлари, муассаса ва ташкилотлардан хабарлар берилади. Бу эса, табиийки, ўқувчиларга газета мутлоқасига бўлган қизиқишнинг оширади. Зеро, газетхон учун энг қизиғи ўзи ҳақидаги ёки ўзи алоқадор ҳудуд ва ташкилот ҳаёти билан боғлиқ хабардир.

Газетанинг яна бир ўзига хос жиҳати – унинг саҳифаларида жамоатчилик мухбирлар, умуман халқ вакиллари учун кенг миқдорда ажратилади. Газетанинг 27 марта сониди 25-мактабда ўтган «Очик дарс» ҳақидаги «Олтин тож соҳибаси» хабари шу мактаб директори ўринбасари, электр ва табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги талаблари бузилиши ҳақидаги «Ўғрилар» мақоласи ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, «Касб маҳорати» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида «Транспорт ва сервис» касб-хунар

коллежи талабаси Ҳожиакбар Жўраевнинг қолиб чиққани ҳақида шу коллеж ходимининг мақолалари эълон қилинган.

«Истиклол нури» доимо замон билан ҳамнафас юради. Баркамол авлод йилгига бағишлаб, газетада шу номда рухн ташкил этилган. Мазкур рухн остида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижроси, ижтимоий-сиёсий ва маданий тадбирлар мунтазам ёритиб борилади.

Бундан ташқари «Диққат, тадбир!», «Жиноят ва жазо», «Мунозара учун мавзу», «Маориф тизими», «Соғлом авлод учун», «Айланма йўлда», «Шифокор оғоҳлантиради» каби рўнлар газета саҳифаларида мунтазам кўзга ташланаётди.

Газета ижодкорлари, юқорида таъкидлаганидек, давр руҳи билан ҳамнафас бўлишга, барча долзарб мавзуларни имкон қадар қамраб олишга интилишади. Айниқса, ҳозир долзарб бўлган соғлом ва баркамол авлоднинг воёга етказиш, одам савдо, жиноятчиликка қарши кураш, миллий қадрият ва маънавий меросимизни тиклаш, таълим сифатини яхшилаш, унга янги технологияларни жалб этиш масалалари кенг ёритилаётди.

Шу ўринда ижодий жамоанинг аҳилиги, таҳририятда соғлом ижодий муҳит яратилганини эътироф этиш лозим. Газетанинг толмас мухбирлари – Аллома Азизова, Муътабар Ҳамидова, Ҳикматилла Маъжамов, фотомухбир Комил Савдулло етказиб бераётган хабар ва материаллар. «Истиклол нури» ўзининг муҳим ўқувчиларини топишга ёрдам берадиган, десак, муболага қилмаган бўлмай.

Истагимиз шуки, газета янада таъсирчан бўлиши, мазмун-мундарижаси замон талабларига мос келиши учун ижодий ходимлар кўпроқ ташаббус кўрсатишлари, чуқурроқ изланишлари лозим.

Саид АСКАРОВ.

Лаборатория мудири Дилафрўз Раҳмонова ҳам, иш юритувчи Акмал Раҳмонов ҳам олий маълумотли мутахассис – ҳосилот. Лаборатория ишини рисоладагидек йўлга қўйишган.

– Фермер хўжаликлари билан тузилган шартномага мувофиқ, бу йил 4 миллион 350 минг дон олтин кўз, 2,8 миллион донга габробракон ва 5 килограмм трихорама энтомофагларини тайёрлашимиз керак, – дейди Дилафрўз Раҳмонова. – Шартнома – биз учун қонун. Уни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қиламиз. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигидан гузаларда пайдо бўлган кўсак курти биринчи авлод капалагидан ҳосил бўлган 3-4 ёшли куртларга қарши габробракон тарқатишни

ЖУССАСИ КИЧИК, ИШИ ЙИРИК

бошлаган. Ҳозир лабораториямизда иккинчи авлод кўсак куртига қарши тарқатиладиган трихорама ва габробракон етарли миқдорда тайёрланди.

– Биологик усулнинг яна бир афзаллиги маълум бўлганки, буни ҳамма ҳам билвермас керак, – дейди Акмал Раҳмонов. – Зараркунанда ҳашаротларга

(Давоми. Боши 1-бетда).



қарши сепиладиган кимёвий дорилар гузада қора шира касалини қаҳиради. Биосусл эса бу ташвишдан ҳоли.

Қолаверса, биосусл далаининг ҳар бир қаричини кузатиб бориш имконини беради. Ҳар икки гектар майдонга биттадан фероман тутқичлар ўрнатади. Бундан ташқари, гектарига бештадан баклашқада махсус ачитки қўйилади. Улар қунора, уч

кунда бир текширилиб, қайси майдонда ва шу майдоннинг қайси қисмларида зараркунанда ҳашаротлар кўпроқ пайдо бўлганини аниқланади ва айнан шунга қараб, қаерга, қачон ва қанча энтомофаг тарқатиш кераклиги белгиланади. Натижада фойдала ҳашаротлар ортқиқа сарфланмайдиган тарқатилганлари эса қутилган самарани беради.

Мутахассисларнинг гапига қараганда, биологическая лаборатория хизматида талаб йилдан йилга кучайиб бораёпти. Шу боис Дилафрўз Раҳмонова 2011 йилда Турғун Ражабов номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида ҳам биологическая лаборатория ташкил этиш ниятида.

Абдусамид ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТАДБИР

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМДОНЛИК
ЗАРУРАТИ

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши учун ҳар қандай шароит жамиятда янги қатлам – мулкдорлар синфини шакллантирди. Бугунги кунда кишлоқ хўжалигидаги етакчи куч бўлиши фермерлар мана шу янги ижтимоий қатламнинг ёрқин вакилларига айланди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди кишлоқ хўжалигида бандлигини ҳисобга олсак, бу соҳанинг иқтисодиётимиздаги аҳамияти янада ойдинлашади.

Лекин таассуф билан айтиш керакики, шундай муҳим соҳа тақдирини қўлга олган айрим фермерларимизнинг кишлоқ хўжалиги, менежмент, маркетинг, ер, сув, солиқлар тортиш ва меҳнат қўнчилиги борасидаги билимларини етарли, деб бўлмайди. Фермерларни, умуман олганда, кишлоқ хўжалиги бўйича мутахассисларнинг ҳуқуқий ва амалий билимларини шакллантириш мазкур муаммонинг энг самарали ечимларидан бири сифатида қўрилмоқда.

Ўртачирчиқ туман кишлоқ хўжалик касб-хуна

р колледжидан ўтган тадбир ҳам шу масалага бағишланди. «Замонавий билим» ёшлар – фермер хўжалиги истиқболи гарови мавзусида ўтказилган тадбир Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар қўлаб-қувватлаш маркази томонидан ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қўнчиллик палатаси депутatlари, маҳаллий ҳокимият идоралари вакиллари, халқ депутатлари Ўртачирчиқ туман кенгашидаги

ЎзЛиДеП депутатлик гуруҳи аъзолари, туман солиқ инспекцияси, банк ходимлари, ёш тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этишди.

Ийгилишда «Фермерлики ривожлантириш борасида қабул қилинаётган қўнчулар ва уларнинг жойлардаги ижроси», «Давлат тараққиётида фермер хўжаликларининг ҳиссаси ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сўз олган Олий Мажлис Қўнчиллик палатаси депутатлари аҳолини яхшилаш учун амалдаги қўнчуларга ўзгаришлар киритиш ва уларни тақомиллаштириш таклифи билан чиқишиб, бу борада тегишли қўнчу лойиҳаси тайёрлангани ҳақида маълумот беришди.

Тадбир сўнгиде савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.

Тошкент туманида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида «Менинг маҳаллам тарихи» кўрик-танловининг туман ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

ҚАДРИЯТЛАР
БЕШИГИСАН,
МАҲАЛЛАМ

У туман маданият ва спорт ишлари бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» ҳария жағмараси, маънавият-тарбия маркази, халқ таълими бўлими ҳамда савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаб уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Танловда жамоалар «Оила» мактаб – маҳалла» концепцияси доирасида маҳалла тарихи билан таништириш, саҳна кўришлари ҳамда «Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам» шiori остида ишловлар таллови каби шарҳлар бўйича ўзларини намойиш этишди.

Мазкур танловни ўтказишнинг мақсади қўнчуларнинг мақсад ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Шоира Аҳмедова, – фуқароларимизнинг маҳалла тарихи билан қизиқишини ошириш, ёшларимизни урф-одатлар, анъаналарга содиқ инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Норхўжа Амин номли маҳалла раиси Ҳикмат Қўзиев, «Янгиобод» маҳалласи раиси Ўткир Каримов, Зоирхон Жалилов номли маҳалла раиси Мурод Мирзаахмедов ҳамда «Ибрат» маҳалласи маслаҳатчиси Карима Бегматова бошчилигидаги жамоаларнинг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Хуршида НАЗАРОВА.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси охиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига тақдоран Ангрен шаҳар СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик сундининг 22.05.2009 йилдаги №11-0909/3751 ижро ҳужжатида асосан, «Neptun Plus» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани, Увақ қ.ф.й., Гўлбоғ кишлоғи ҳудудиде жойлашган, умумий майдони 0,92га бўлган, 4 қаватли Поликлиника биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 599 495 510 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 27 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки»нинг Сағбон қ.ф.даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлар шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 2009333850. Манзилимиз: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB_001 №000004.

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйқатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2008 йил 27 майда 001838-07 реестр рақам билан рўйқатга олинган «LIGHT STAR VEGA» хусусий корхонасининг ташкилий ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришлар.

«LIGHT STAR VEGA» масъулияти чекланган жамияти «LIGHT STAR VEGA» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Эътирозлар 10 кун давомиде 770-66-47 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

НИГОҲ

ХАЛҚ ҚАЕРДАЮ
АРМИЯ ҚАЁҚДА?

Бир пайтлар ёқимли туюлган «Халқ ва Армия – ягона» ибораси эндиликда Тожикистон Республикасида ўз мазмун ва қийматини йўқотди.

Ўзининг асосий вазифаси – мамлакатни ҳимоя қилишни бир четга суриб қўйиб, қандайдир уруғ-аймоқлардан иборат шубҳали тўдалар ўртасида «орани очик қилиш» қуролига айланган Армияни ҳар қандай халқ ҳам ёқтирмайди. Армияга қаҳирлувчи ёшлар ҳам ҳарбий хизмат муддатини ўтаётган йилларда оилалари уларнинг ёрдамидан маҳрум бўлишини ўйлаб, хавотирда юрмалар. Ахир Тожикистондаги кўплаб оилаларнинг бугунги моддий аҳвали ҳар қачонгидан ночор бўлиб турганда тайёр бир жуфт ишчи қўлларни икки йилга йўқотиш ўлганнинг устига тенгандек гап.

Мамлакат фуқаролари ҳарбий хизматдан оммавий бош тартаётгани сабабли республика қуроли кулчари сафига қаҳирув режалари тўла бажарилмаяпти. Бунинг устига ҳозир кўплаб хизмат ёшидаги йигитларни уйларидан топиб бўлмайди. Улар оилаларига ёрдам бериш учун оз бўлсада ишлаб пул топиш мақсадида чет элларга чиқиб кетишган.

Фуқароларнинг Армияда хизмат қилишдан бош тортишларига бошқа жиддий сабаблар ҳам бор. Масалан, хизмат муддатининг икки йил қилиб белгилангани ҳам кўпчиликка малол келади.

Қолаверса, муқобил ҳарбий хизмат турлари йўқ. Натижада ҳарбий хизматда қаҳирлувчиларни йиғиш режасини бажариш учун уларни одамлар тўпланадиган жойлар, яъни бозор ва йўлларда, шунингдек, бошқа жамоат жойларида том маънодаги «овлаш» усулини қўллашга тўғри келаяпти. Шу билан бирга бундай аҳвол қаҳирув тадбирларини ўтказишга маъсул бўлган идоралар ходимлари орасида порахўрликнинг авж олишига сабаб бўлаяпти.

Чунончи, қаҳирувни олти ойга орта суриб бериш учун маҳаллий ҳарбий комиссариат ходимлари ҳар бир кишидан 500 АҚШ доллари миқдориде пора талаб қилишапти. Ҳарбий хизматдан қочиб юрганлар қўлга тушганлариде ички ишлар ходимлари уларга 200 доллар эвазига қутулиб қолишни маслаҳат беришади. Акс ҳолда улар ҳарбий комиссариатларга топширилади ва армия сафига жўнатиладилар.

Ҳарбий комиссариат ходимларининг кейинги пайтларда ўзбек миллиятига мансуб қаҳирлувчиларнинг ҳуқуқларини поймол қилишаётгани, айниқса, кечириб бўлмас ҳолдир. Улар ўзбеклардан ҳарбий хизмат муддатини кечга суриб бе-

риш учун тожикларга нисбатан икки-уч бараваар кўп миқдорда пул талаб қилишапти. Бу эса ўзбек жамоатчилиги ўртасида норозиликлар келиб чиқиш учун йўл очаяпти. Умуман олганда таҳмин қилиш мумкинки, Тожикистоннинг осейишталлигини ўзбеклар ҳимоя қиладиганга ўхшайди. Хулоса қилиб айтганда, ўзига хос манталитетга эга ва том маънода меҳнаткаш ўзбеклар маҳаллий миллатга нисбатан анча тинч ва қонунларга бўйсунмиш ҳам бошқаларга ўрнат.

Ҳозирги кунда республиканинг Сўғд вилояти ҳудудиде қаҳирув ёшидагиларни ушлаш ва ҳарбий хизматга жўнатиш учун кенг қўламда рейдлар ўтказиляпти. Бундан ташқари, ҳарбий комиссариат ва ички ишлар ходимлари яшириниб юрган қаҳирув ёшидаги йигитларни қўлга тушириш учун ҳар бир хонадонни синчковлик билан текшириб чиқмоқдалар. Тожикистон чегара хизмати ходимлари ҳам уларни тутишда фаол иштирок этмоқдалар. Қаҳирув ёшидагиларни давлат чегарасидан ўттишга ҳаракат қилишаётганида ушлаб, маҳаллий милиция идораларига топширишапти.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, аҳвол яхши эмас. Биринчидан, мажбурлаб, ҳатто, зўрлаб хизмат қилдиришга асосланган Армияни жанговар дейиш қийин. Иккинчидан, Тожикистон Армияси сафи бошиданқоқ тақомил эмас эди. Чунки, бу сафга асосан хизматдан яширинишни эпловмаган «бечора»лар қўйилади, бинобарин, улардан нима ҳам қуттиш мумкин. Учунчидан, Тожикистон ҳукуматининг сиёсати нафақат фуқаролик жамиятини шакллантириш, балки мамлакатнинг мудофаа салоҳияти масаласида ҳам тақомилдан анча йироқ.

Давлатали ДОДХУДОЕВ. TAJMIGRANT.COM.

ТАБИАТ
ВА БИЗ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ешарининг «Биозоксан» ўқув-услубий мажмуаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Табият: кеча, бугун ва эртага» мавзусида анжуман ўтказилди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчилари, эколог олимлар ҳамда ўқувчи-ёшлар тақлиф этилди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, уларда она табиятга меҳр уйғотиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш қўнчиликлари шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларнинг экологик билимини боийтишга қаратилган «Атрофимиздаги олам», «Одобнома», «Ботаника», «Биология», «География» каби фанлар пухта ўқитилиб, турли экологик ҳафтиалар, анжуманлар, кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Бу йўналишдаги эзгу ишлар ўқувчиларнинг ёзи таътил кўнларида ҳам давом этаётир. Республика ёшларининг «Биозоксан» ўқув-услубий марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларида «Ёш табиатшунослар», «Доривор ўсимликлар», «Табият ва сув» каби йиғирмадан ортқ йўналишдаги таъриқларга қарийб 87 минг нафар ўғил-қиз жалб қилинган. Маашгулотлар билан бирга турли экологик лойиҳалар, фестиваллар, табиат қўриқчалари, музейлар ҳамда истироҳат бозорлари савҳатлар ташкил этилмоқда. Бу эса ёшларнинг экологик билим ва қўнчиликлариининг бойишига хизмат қилаётир.

Анжуманда ўқувчиларнинг атроф-муҳит ва инсон саломатлиги, табиат бойликлари ва уларни муҳофаза қилиш, сувдан оқилана фойдаланиш сингари долзарб мавзулардаги ижодий ишлари ва иншолари мўҳкамга этилди. Ўттизга яқин энг яхши ижодий иш муаллифларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Назакат УСМОНОВА, Ўза мухбири.

ТААЖЖУБ

Мамлакатимиз иқтисодиётини ишлаб чиқариш корхоналари етакчи куч эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Чунки, уларда ҳам экспортга йўналтирилган, ҳам импорт ўрнини босувчи турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Уларнинг сони ортиб борагани сайин муҳим иш билан таъминланган кишлоқлар сони ҳам кўпаяётгани қувонарли, албатта. Саноат корхоналарида меҳнат қилаётганларнинг рўзғори баракали, дастурхони тўкин бўлаяпти.

Яқинда Янгийўл шаҳрида ярим йилдан буён фаолият юритаётган ана шундай корхоналардан бири – «Янгийўл полипропилен қоплари» масъулияти чекланган жамияти ҳақида эшитиб қолдик. Корхонанинг иш фаолияти, ёришаётган ютуқлари тўғрисида мақола тайёрлашни ният қилдик. Лекин биз ўйлагандек бўлмади. Аниқроғи, корхона раҳбари Шухрат Исмоилов билан кўнгилдагидек суҳбатлаша олмадик. Гапни иши қўлгидан йўқлаб қилишдан бошлаган раҳбар билан суҳбатимиз ҳадеганда қовушавермади.

– Ҳокимиятдагиларга ҳам хайронман, – деди кўнчилигимизда раҳбар. – Шаҳарга газетадан, телевидениедан ёки бирон-бир ташкилотдан одам келса, менга жўнатишган-жўнатишган. Нима, менинг корхонамдан бошқаси йўқми?! Топиб бўлгани – мен.

Очиги, биз бундай эомалани кутмаган эдик. Шунча йиллик иш фаолиятимизда қанчадан қанча корхоналар ва заводлар ҳақида мақолалар тайёрлаганмиз. Лекин бундай ҳолатга биринчи марта тушганимизданки бироз гарангиздик. Барибир маълумот олиш учун раҳбарга савол беравердик. Хуллас,

дан 3 йилга 150 миллион сўм кредит олинганини билиб олдик. Кредит эвазига Хитойдан технология линиялар олиб келинбди. 12 та тўқув ва 4 та тикув машиналари, 1 та ип чиқарадиган ускуна ишлаяпти.

«ФЕЪЛИНГИЗНИ КЕНГРОҚ
ҚИЛИНГ, ДОМЛАЖОН...»

Корхона ҳақида таҳлилий мақола тайёрлашда фақатгина раҳбарнинг оғзидан чиққан маълумотлар билан қиёфаланишга мажбур бўлдик. Яхшиямки, «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасида оммавий ахборот воситалари ходимлари, яъни журналистлар ахборот излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги очик-ойдин ёзиб қўйилган. Лекин, минг афсуски, буни у кишига тушунтиришдан наф бўлмади.

Корхона раҳбарининг ҳафсаласизгина берган маълумотларига қараганда, аини пайтда бу ерда қурилиш маҳсулотлари, яъни цемент, оҳақ, гипс, қум, олтингунурт ва бошқалар учун қоплар ишлаб чиқарилаяпти. Сирдарё, Самарқанд, Тошкент шаҳри ва вилоятимиздан миқдорлар юқиб келди. Ўзаро суҳбатда «Алоқа-банк»нинг шаҳар бўлими

Хуршида ТУРСУНБЕКОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

✦ Спорт ✦ ✦ Спорт ✦ ✦ Спорт ✦ ✦ Спорт ✦ ✦ Спорт ✦ ✦ Спорт ✦

«БУНЁДКОР» ФИНАЛДА ЎЙНАЙДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақасида Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси финалга йўланма олди.

Ярим финалда Фарғонанинг «Нефчи» жамоаси билан рақобатлашган тошкентлик чарм тўп усталари рақиб майдонида ўтказилган биринчи учрашувдаёқ 3:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Пойтахтда бўлган жавоб ўйнида Миржалоли Қосимов шогирдлари рақибдан ҳар томонлама устунлигини исботлаб, йирик ҳисобда зафар қучди.

«Бунёдкор»нинг бу галги ғалабасига ҳам легионер футболчилар катта ҳисса қўшди. Рақиб жамоа дарвозасини бир мартадан ишғол қилган Ж. Виктор, Ривалдо, С. Ристич ва Денилсон жамоасига 4:1 ҳисобида ғалаба келтирди. Водий-

ликларнинг ягона жавоб тўпи В. Шодиев ҳисобига ёзилди. Икки ўйин натижасига кўра, 7:3 ҳисобида зафар қучган «Бунёдкор» кетма-кет тўртинчи марта финалга чиқди.

Ярим финалнинг иккинчи жўфтлиги – «Локомотив» (Тошкент) – «Шўртан» (Ўзғор) футболчилари дастлабки учрашувни пойтахтда ўтказди. Беллашув 2:0 ҳисобида «Локомотив» фойдасига ҳал бўлди. Голлар Д. Раҳматуллаев ва А. Абдуқодиров ҳисобига ёзилди.

Ўзбекистон кубогининг финал учрашувда «Бунёдкор»га қарши тўп сурадиган жамоа Ўзғорда бўладиган жавоб ўйнида аниқланади.

РИШОД – ЯНА ГОЛИБ!

Дзюдо бўйича «Катта дубулға» мусобақасида Ришод Собиров олтин, Дилшод Чориев бронза медалга сазовор бўлди. Москва шаҳрида ташкил этилган Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) мусобақалари тақвимидаги энг нуфузли турнирлардан бирида элликан зияда мамлакатдан беш юз нафардан ортиқ спортчилар 2012 йил Лондонда (Буюк Британия) бўладиган XXX ёшга Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун куч синнашди.

Пекин Олимпиадаси совриндори Ришод Собиров вази олтин килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида шоҳсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ўз вази тоифасида дунёнинг энг кучли дзюдочиларидан бири эканини яна бир бор исботлаган ҳамюртимиз беллашувларда молдовалик Артём Наку, британиялик Джеймс Миллар, россиялик Беслан Мудранов, италиялик Элио Вердени мuddатидан олдин мағлубиятга учратиб, финалга йўланма олди. Ҳал қилувчи учрашувда нидерландиялик Жерон Мурендан устун келган Ришод

миз жаҳон рейтингига ўз вази тоифасида биринчи ўринга кўтарилди.

Вазни 90 килограммгача бўлган дзюдочиларнинг жаҳон рейтингига кучли учлиқдан жой олган Дилшод Чориев ҳам Москвадаги турнирда муваффақиятли қатнашди. Моҳир спортчимиз эронлик Ризо Чахандаг, украинлик Валентин Греков ва грециялик Илиас Илиадисни мағлубиятга учратиб, бронза медал ва 120 рейтинг очкосига эга бўлди.

Жаҳон чемпионати совриндори Д. Чориев жорий мавсумда Франциядаги «Катта дубулға» турниридаги халқаро турнирда кумуш, Жанубий Кореядаги «World Masters» ҳамда Германиядаги Гран-при мусобақаларида биттадан бронза медалга сазовор бўлган.

**Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
ЎзА шахрловчиси.**

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

БЕШИКНИНГ БЕБАҲО ХИЗМАТИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган баркамол авлоднинг қамолга етказишнинг изчил механизми юксак самара бермоқда. Зотан, қомил инсонни тарбиялаш нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг ҳам энг муҳим мақсадалари-дан биридир.

Бугун юртимизда оила мустақамлигини таъминлаш, аҳолининг репродуктив саломамлигини муҳофазалаш, ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилишига эришиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2009 йилда 13 апрелда қабул қилинган «Она ва бола саломатлигини муҳофиза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлаётди.

Чакалоқнинг ўз вақтида ором олиши, озиқланиши жисмоний ва ақлий ривожланиши учун жуда муҳим. Шундай экан, болани уқлатишнинг миллий мосламаси – бешикнинг ҳар томонлама яхши ва қулай бўлиши бунда муҳим аҳамиятга эга.

Бешик кўп асрлар аввал халқимиз ақл-заковати билан ихтиро этилган ноёб қурилишдир. Унга Махмуд Қоширийнинг «Девони лугатит-турк» асариди, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Махжун» достонларида ҳам юксак таъриф берилган. Хусусан, «Фарҳод ва Ширин» достонидида чакалоқ Фарҳоднинг бешикка беланиши ҳақида шундай дейилган:

Бешик даврида чинию
житойи
Бўлб юз нўшлар
дастонсаройи.
Кўзининг ноизи элдин
элтиб уйку,
Анга уйку кетурмакка навоғу.
Бешик болани уқлатириш учун фойдали бўлиб, кичик ва ихчамлиги, гўдакни ташқи салбий таъсирлардан (шоқиндан, совуқ ва иссиқдан, отқобдан) сақлашда ёрдам беради. Чакалоқнинг бешикка махсус қўлоқ боғлағичлари билан боғлаб қўйишнинг унинг уйқудига беҳос хатти-ҳаракатлардан қўчиймай, осоийшта ва тинч уқлаши имконини беради.

Халқимиз орасида бешикни усталар қадимдан қадрлаб келадилар. Тошкентлик бешикчилар сулоласининг бешикнинг авлоди бўлган Ҳожиакбар Фаттоҳов аждодлар меросини асраб-авайлаш, уни келажақ авлодга етказиш йўлида хизмат қилаётди.

Ота-боболаримиз бешик ясашда асосан ёғочга ва бўёққа алоҳида эътибор қаратган, – дейди Ҳ. Фаттоҳов. – Чунки бешик мустаҳкам ёғоч ва зарарсиз бўёқлардан тайёрланади, бола саломатлигини мустаҳкамлайди. Пухта ишланган битта бешикда ўнлаб болалар улғаяди. Одатда тут ва тол ёғочларидан ясалган бешиклар бола организмни учун фойдалидир. Нақшларнинг ёрқин рангларида бўлиши таниши ва ажратишида қўмақлашади, унинг ақлини ривожлантиради.

Бешикнинг фасларга мосланган ёпинчиғи бола учун мўътадил об-ҳавони таъминлайди. Ундаги яна бир аҳимий восита – бу қовусдир.

Боланинг яхши овқатланиши, ҳаракатчанлиги унинг соғлом ўсиши учун муҳим. Шу боис бешикдан фақат тунда, қунардан яна бела-нақадан фойдаланиш, белада ишлатилган матолар табиий хом ашёдан тайёрланган бўлиши керак. Зеро, синтетик матолар аллергик хасталикларни келтириб чиқариши мумкин.

Минг йиллар оша етиб келган ноёб қурилиш – бешик ўз бағрида не-не буюк болаларимизни, момоларимизни уқлатириган. Миллий қадриятларимизнинг узвий қисми бўлган бешиклар бундан кейин ҳам соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири.**

Фойдали МАСЛАҲАТЛАР

ҲАММАСИ ГЎЗАЛИК УЧУН

Ярларнинг битиши қийин кечса, бу сизда Е витамини камаяганидан далолат. У етарли миқдорда бўлиши учун кўпроқ ўсимлик ва зайтун ёллари, ёнғоқнинг барча турдан оз-оздан тез-тез истеъмол қилишингиз лозим бўлади.

Кўп тегириннинг кунриб, ёрилмишдан азият чексангиз, қаттиқрақ икки томчи аччиқ бодом мойидан қўшиб ниқоб тайёрлаш ва кечкурун қўллашингизга суртинг. Муолажани етти кун такрорлаш ниқоб қилади.

Ортиқча вазида қийналагансизми? Сизга аjoyиб дамлама тавсия этамиз: икки дона мойчечак гулли ва бир дона лямон бўлагини бир станан қайнатилган сувга солиб, эрталабтача қолдириш. Тайёр бўлган дамламани ҳар кун эрталаб оқ қоринга ичиб, бир соат мобайнида ҳеч нарса тановул қилманг.

Сочларингиз узун, қалин, силлиқ бўлишини истасангиз, қанқос, зайтун ва қоракунжут ёғини аралаштириб, қиздириш. Илпиз аралашмани сочларингиз илдизига суртиб, бармоқларингиз ёрдамида енгил ҳаракатлар билан уқланг. Бу муолажа сочларингиз тез ўсиши, чиройли жиҳваланишини таъминлайди.

Собир Раҳимов тумани Тadbиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 09.01.2009 йилда Гувоҳнома № 05-06091 рақам билан рўйхатга олинган яхши тартибга таъбиркор Аҳмеджанов Рихсилла Ибраҳимжоновичга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА



Туғуруқхонадан аёли ва фарзандини қўриб қайтаётган Содиқбойнинг кайфияти чоғ. Юриши, ўзини тутиши бироз бошқача, киборли. Хурсандлиқдан томирдаги чигаллар ёзилиб, юраги қўқсиға сиймаётгандай.

«Ўғил қўрдим, энди номим ўчмайди, мол-давлатимнинг ягона эгаси, меросқўрим бор», деб суонарди. «Энди улфатларим, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ-га ош бераман».

Шу ҳаёлда Содиқ дўсти Ҳамроқўлининг уйига борди. – Ҳа, ўртоқ, ангилкини эшитдинг, ўғил муборак, қувончингга шерикман, – дея Ҳамроқўл дўстини қарши олди. Барча ўйлаган орзу-ниятларининг амалга оширадиган, меҳр-оқибатли ўғлон бўлсин, – деди-да, елка уриштириб, қучоқлаб қўйди.

– Ўғлим шарафига бир зифат қилсам дегандим, ёрдамнинг керак.

Икки дўст то шомгача маслаҳат қилиб, тақлиф қилинадиган санъаткорлар-у, меҳмонларнинг рўйхатигага тузиб чиқиди. Кун қоронғулаганда маслаҳатдан қўгли тўлган Содиқбой уйига келди-ю, телефонни олиб, рўйхат бўйича кўнгироқ қила бошлади.

Узоқ йиллар давомида интизорлик билан кутилган ўғил фарзанднинг дунёга келиши Содиқбойнинг ҳаётига катта ўзгариш олиб кирганди. Кунда бўлмаса, кунора бўлиб турадиган жанжаллар, тинимсиз таънаю-дашномлар барҳам топган. Энг муҳими,

ФАРЗАНДЛИ БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТЛИ ИШ

унинг қизларига меҳри товланиб, уларни ҳам «ширин қизим», дея эркалаб, суя бошлади.

Олти қиздан сўнг, ўғил туғиб берган Содиқбой Содиқбой учун энг қадри инсонга айланди. Аммо унинг соғлиғи жойида эмас. Шиғорқларнинг таъкидлашларича, сўнгги ҳомиладорлик даврида камқонлик билан хасталанган Содиқкатга қайта ҳомиладор бўлишга рухсат берилмаган.

Шиғорқларнинг «яна фарзанд кўриш ўзингизнинг қолаверса, болангизнинг ҳаёти учун хавфли, сиз қуч-қувватингизни қайта тиклашингиз лозим», дея қойишларига парво қилмай, ўз билганидан қолмади. Дарду ҳаёли ўғил туғиб, турмуш ўртоғига қувонч ҳада этиш, «Ўғил йўқ» деган гапларга нукта қўйиб, унинг юзини ёруқ қилиш эди. У орзу-умидга етди ҳам. Бироқ туғилган гўдак, онасидаги қасал билан дунёга келди...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиға кўра, дунё аҳолисининг 40

фоизи камқонлик (анемия)дан азият чекмоқда. Илмий тадқиқотлар эса, 75 фоиз ҳолатда касаллик темир моддаси танқислиги туфайли юзага келишини кўрсатган.

Ушбу касаллик ҳақида тўлиқроқ маълумотга эга бўлиш мақсадида мутахассисга юзландик.

Агар ҳомиладорлик даврида она камқон бўлса, бу турли касалликларни келтириб чиқаради, – дейди Тошкент тумани Ҳасанбой қишлоқ врачлик пункти акушер-гинекологи Муҳаммад Исмоилова.

Бу касалликнинг асорати жуда хавфли бўлиб, туғиш жараёнида қон кетиши, боланинг чала туғилиши ёки туғма нуқсонли бўлиб қоли-

ётти, гоҳида ундан ҳам кўпроқ фарзандлари борлиги ҳақида эшитамиз. Бу ҳақда фикрингиз қандай?

– Кўп фарзанд кўриш аёлдаги сезилмаган, яширин касалликларнинг авж олишига сабаб бўлади. Масалан, буюқ касалликнинг вақтида текширилиб, муолажа қилинмаслиги ҳам нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир аёл, айниқса, ҳомиладорлик даврида тиббий қўриқдан ўтиши шарт. Биз қабулимизга келган аёлларга юқоридики каби хасталиклар аниқланганда, шунингдек, бетартиб туғишнинг салбий натижалари ҳақида иложи борича содда тилда тушунтиришга

вало, она судидан барвақт маҳрум бўлади. Аслида эса ўғил бола 33, қиз бола 22 ой мобайнида кўрак сути эмиши лозим. Унда барча фойдали моддалар етарли. Кўрак сутига тўйган болалар сунъий парваришланган гўдакларга нисбатан камроқ касаллангилар.

Она соғлом бўлса, исталганча фарзанд кўриши мумкин. Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Лекин она ва боланинг саломатлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Ахир фарзанднинг келажақда соғлом ва бақувват, ақли расо бўлиб қамол топиши ота-онанинг саломатлиги билан бирга оилавий муҳитга ҳам боғлиқ. Инсоннинг энг соф, покиза туғилари, илк ҳаётий тушуна ва тасаввурлари оилада пайдо бўлади. Боланинг табиати ва дунёқарашини шакллантирадиган, ахиллик, эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус каби туғилари сингирдиб, тарбияладиган ҳам ота-она ҳамда оилавий муҳитдир.

Тиббиёт мутахассисларининг фикрига кўра, кўп туғиш, туғуруқлар орасидаги мuddатнинг қисқалиги, ёши ўтган аёлларнинг туғиши улар ҳаётига жиддий хавф солади. Она ва бола соғлом бўлиши учун туғуруқ орасида мuddат камиди ун йил бўлиши керак. 19 ёшгача ёки 35 ёшдан кейинги ҳомиладорлик нафақат онанинг, балки боланинг ҳам ҳаётига хавф туғдиради. Аёлнинг ҳомиладорлиқдан ва туққандан кейин жисмоний қувватга тўлиши учун ун йил вақт керак бўлади. Қуч-қуввати тўла тикланмасдан яна ҳомиладор бўлиш, боланинг мuddатидан илгари ва вази мезёридан кам бўлиб дунёга келиши эҳтимолини қучайтиради. Вази етарли бўлмаган гўдак эса касалликка тез чалинувчан бўлади.

Дунёда фарзанд аталмиш бебаҳо неъмат бор экан, уни соғлом ва бақувват, ақлан етук келажақ вориси этиб тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Ирода НОРБОВЕВА суҳбатлашди.

ГЎШТНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИЛАР УЧУН МАХСУС!

Ташкилот Воронежда тайёрланган 325 литр ҳажмдаги вакуумли куттер ва яхши ҳолатдаги гўштқиймалағич сотади. Куттер пичоқларининг 4 та янги жамламаси ва гўштқиймалағич учун 2 та жамлама пичоқлар тавсия этади.

Қафолат ва хизмат кўрсатиш мuddати – 1 йил. Ҳақи пўл ўтказиш йўли билан тўланади. Маълумот учун телефонлар: 724-70-00, 724-60-00.

ООО «RINO CREATIVE AND MEDIA», зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергеевского района г. Ташкент, расположенное по адресу: массив Сергеев-5, д. 8 кв. 30 (ИНН 1201563145, ОКПО 23204722).

ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания № 3 от 20 июня 2010г.).

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 730-69-09.

Олмалик шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан 2010 йил 26 апрелда Касимова Махшуро Абдурахмановна номига № 056797 (04) рақамли тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яхши тартибдаги таъбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳамда 2010 йил 12 майда берилган № 056797 (04) рақамли Импорт операциялари субъектини ҳисобга олиш картаси йўқолганини сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РАССОМ ХАНДАСИ



Тўй тугади...

Хусан СОДИКОВ чизган расм.

Chevrolet NIVA Ҳақиқий автомобилнинг янги кўриниши



Расмий дилер: «SANAR» хусусий корхонаси. www.sanar.uz
Тошкент ш. Х. Умаров к. (мўлжал – Жанубий вокзал, Кичик халқа йўли)
тел.: (+99871) 140-00-61, (+99890) 317-67-97, 325-88-87.

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзилмиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи
Абдулфайз САИДАСҚАРОВ
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма Г-640.

Адади 5995.

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.